

811 - وَعَنْ قَيْسِ بْنِ بَشِيرٍ التَّغْلِبِيِّ قَالَ: أَخْبَرَنِي أَبِي - وَكَانَ جَلِيساً لِأَبِي الدَّرْدَاءِ - قَالَ: كَانَ بِدِمَشْقَ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُقَالُ لَهُ: بِنُ الْحَنْظَلِيَّةِ، وَكَانَ رَجُلًا مُتَوَحِّدًا قَلَّمَا يُجَالِسُ النَّاسَ، إِنَّمَا هُوَ صَلَاةٌ، فَإِذَا فَرَغَ فَإِنَّمَا هُوَ تَسْبِيحٌ وَتَكْبِيرٌ حَتَّى يَأْتِيَ أَهْلَهُ، فَمَرَّ بِنَا وَنَحْنُ عِنْدَ أَبِي الدَّرْدَاءِ، فَقَالَ لَهُ أَبُو الدَّرْدَاءِ: كَلِمَةٌ تَنْفَعُنَا وَلَا تَضُرُّكَ؟ قَالَ: بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَرِيَّةً فَقَدِمَتْ، فَجَاءَ رَجُلٌ مِنْهُمْ فَجَلَسَ فِي الْمَجْلِسِ الَّذِي يَجْلِسُ فِيهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ لِرَجُلٍ إِلَى جَنْبِهِ: لَوْ رَأَيْتَنَا حِينَ التَّقَيْنَا نَحْنُ وَالْعَدُوُّ، فَحَمَلْنَا فُلَانًا وَطَعْنَا، فَقَالَ: خُذْهَا مِنِّي وَأَنَا الْعُلَامُ الْغِفَارِيُّ، كَيْفَ تَرَى فِي قَوْلِهِ؟ قَالَ: مَا أَرَاهُ إِلَّا قَدْ بَطَلَ أَجْرُهُ، فَسَمِعَ بِذَلِكَ آخَرَ فَقَالَ: مَا أَرَى بِذَلِكَ بَأْسًا، فَتَنَازَعَا حَتَّى سَمِعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «سُبْحَانَ اللَّهِ!! لَا بَأْسَ أَنْ يُوجَرَ وَيُحْمَدَ» فَرَأَيْتُ أَبَا الدَّرْدَاءِ سُرَّ بِذَلِكَ، وَجَعَلَ يَرْفَعُ رَأْسَهُ إِلَيْهِ، وَيَقُولُ: أَنْتَ سَمِعْتَ ذَلِكَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ فَيَقُولُ: نَعَمْ، فَمَا زَالَ يُعِيدُ عَلَيْهِ حَتَّى إِنِّي لَأَقُولُ لِيَبْكُونَ عَلَيَّ نَكِيَّةً.

قَالَ: فَمَرَّ بِنَا يَوْمًا آخَرَ، فَقَالَ لَهُ أَبُو الدَّرْدَاءِ: كَلِمَةٌ تَنْفَعُنَا وَلَا تَضُرُّكَ، قَالَ: قَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمَنْفِقُ عَلَى الْخَيْلِ كَالْبَاسِطِ يَدُهُ بِالصَّدَقَةِ لَا يَقْبِضُهَا».

ثُمَّ مَرَّ بِنَا يَوْمًا آخَرَ، فَقَالَ لَهُ أَبُو الدَّرْدَاءِ: كَلِمَةٌ تَنْفَعُنَا وَلَا تَضُرُّكَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نِعَمَ الرَّجُلُ حُرَيْمُ الْأَسَدِيِّ! لَوْلَا طَوْلُ جُمَّتِهِ وَإِسْبَالُ إِزَارِهِ» فَبَلَغَ حُرَيْمًا فَعَجَلَ، فَأَخَذَ

شَفْرَةً فَقَطَعَ بِهَا جُمَّتَهُ إِلَى أُذُنَيْهِ، وَرَفَعَ إِزَارَهُ إِلَى أَنْصَافِ سَاقَيْهِ.

ثُمَّ مَرَّ بِنَا يَوْمًا آخَرَ، فَقَالَ لَهُ أَبُو الدَّرْدَاءِ: كَلِمَةٌ تَنْفَعُنَا وَلَا تَضُرُّكَ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّكُمْ قَادِمُونَ عَلَى إِخْوَانِكُمْ، فَأَصْلِحُوا رِحَالَكُمْ، وَأَصْلِحُوا لِبَاسَكُمْ حَتَّى تَكُونُوا كَأَنَّكُمْ شَامَةٌ فِي النَّاسِ؛ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفُحْشَ وَلَا التَّفَحُّشَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ، إِلَّا قَيْسَ بْنَ بِشْرٍ، فَاحْتَلَفُوا فِي تَوْثِيقِهِ وَتَضْعِيفِهِ، وَقَدْ رَوَى لَهُ مُسْلِمٌ [د 4089].

811. Қайс ибн Бишр Тағлибий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Отам – у Абу Дардонинг шогирди эди – менга шундай деган: «Димашқда Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Ибн Ҳанзолия деган киши бор эди. У доим ёлғиз юрар, одамлар билан жуда кам ўтирар, чунки доим намозда бўлар, намозни ўқиб бўлса, тасбеҳ ва такбир айтиб ўтирар, сўнг уйига кетар эди. Абу Дардонинг ҳузурида ўтирган эдик, олдимиздан ўша киши ўтиб қолди. Шунда Абу Дардо унга: «Бизга фойда қиладиган, сенга зарар бермайдиган бирон сўз айтинг», деди. У шундай деди: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бир сарийя жўнатдилар. У қайтиб келгач, улардан бир киши келиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ўтирган жойга ўтириб, ёнидаги кишига: «Бизнинг душманга тўқнаш келганимизни кўрганингда эди! Фалончи ҳамла қилиб, найза санчиб, «Мана сенга! Мен ғифорлик ғуломман!» деди. (яъни Ғифорий қабиласидаги йигитлар найза санчса, ўлдирмай қўймайди). Унинг бу сўзига нима дейсан?» деди. У: «Менимча, унинг ажри йўқ бўлибди», деди. Шунда буни бошқа одам эшитиб қолиб, «Менимча, бунинг ҳечқиси йўқ», деди. Иккови тортишиб кетишди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ҳам буни эшитиб қолдилар-да, «**Субҳаналлоҳ! Унинг ажр олиб, мақталишининг ҳечқиси йўқ**», дедилар. Мен Абу Дардонинг бунга қувонганини кўрдим. У бошини кўтариб, унга: «Сен буни Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан эшитдингми?» деди. У: «Ҳа», деди. Бу саволни унга ҳадеб қайтараверганидан, унинг оёғи остига тиз чўкса керак деб ўйлаб қолдим.

Ўша киши яна бир кун олдимиздан ўтиб қолди. Шунда Абу Дардо унга: «Бизга фойда қиладиган, сенга эса зарар бермайдиган бирон сўз айт», деди. У: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бизга: «**Отга инфоқ қилган одам садақага қўл очиб, уни ёпмайдиган киши кабидир**», дедилар»,

деди.

Ўша киши яна бир кун олдимиздан ўтиб қолди. Абу Дардо яна унга: «Бизга фойда қиладиган, сенга эса зарар бермайдиган бирон сўз айт», деди. У шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: **«Хурайм Асадийнинг жуммаси* узунлиги, изорини (тўпиғидан) осилтириб юриши бўлмаса, қандай яхши одам!»** дедилар. Бу гап Хураймга етиб борган эди, у дарҳол пичоқ олиб, жуммасини қулоғигача кесди, изорини эса болдирининг ярмигача кўтариб олди».

Сўнг ўша киши яна бир кун олдимиздан ўтиб қолди. Абу Дардо яна унга: «Бизга фойда қиладиган, сенга эса зарар бермайдиган бирон сўз айт», деди. У шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: **«Сизлар биродарларингизнинг ҳузурига кетяпсизлар. Уловларингизни ҳам яхшиланглар, либосларингизни ҳам яхшиланглар, сизлар худди одамларнинг юзидаги хол каби бўлинглар.** Аллоҳ фаҳшни ва сўкишни хуш кўрмайди».

Абу Довуд ҳасан иснод ила ривоят қилган. Фақат Қайс ибн Бишрни «Ишончлими ёки заиф кишими?» шу ҳақда ихтилоф қилишди. Лекин имом Муслим бу кишидан ҳадис ривоят қилган.

Шарҳ: * Араблар соч ўсиб, қулоқнинг юмшоғигача тушса «вафра», қулоқнинг юмшоғидан ҳам ўтиб тушса «лимма», елкагача тушса «жумма» дейишган.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

- Илм аҳлининг мажлисини лозим тутиш, улар билан суҳбат қуриш ва улардан фойда олиш.
- Фазилатли кишиларнинг фазлини зикр қилиб, уларни ўз ўрнига қўйиш.
- Ибодат ва зикрларни мукамал адо этиш миқдорича одамлардан узлатда бўлиш.
- Агар кеккайиш ва кибр олиб келмаса, қабила ва шахсни мақташ жоизлиги.
- Расулуллоҳ с.а.в.нинг саҳабалари ҳам у зотнинг ҳаётлик пайтларида ихтилоф қилишгани, чунки фаҳмлаш ва ақллар ҳам ҳар турлик бўлгани.
- Аёлларга ўхшаб сочни елкагача узайтиришни ман этилгани.
- Саҳобалар Расулуллоҳ с.а.в.дан бирор дакки эшитишса, дарҳол уни тузатишгани. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Хурайм Асадийнинг жуммаси узунлиги, изорини (тўпиғидан) осилтириб юриши бўлмаса, қандай яхши одам!»** деганларида, бу гап Хураймга етиб

борган эди, у дарҳол пичоқ олиб, жуммасини қулоғигача кесди, изорини эса болдирининг ярмигача кўтариб олди».

- Ислон умматидаги киши бошқа умматдаги кишилар билан кўришганида энг чиройли либос ва энг гўзал уловда бормоғи лозим. Чунки Расулulloҳ с.а.в.: **«Сизлар биродарларингизнинг ҳузурига кетяпсизлар. Уловларингизни ҳам яхшиланглар, либосларингизни ҳам яхшиланглар, сизлар худди одамларнинг юзидаги хол каби бўлинглар».**

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳузуримизга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Сочлари тўзиб кетган пала-партиш бир одамни кўриб қолиб: «Манави сочини сокин қиладиган нарса топса бўлмасмиди!?» дедилар.

Бошқа бир кишининг кийимлари кир эканлигини кўриб қолиб: «Манави кийимини ювадиган нарса топса, бўлмасмиди!?» дедилар».

(Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Ислондан олдин кийиниш маданияти, жамоатчилик олдида ўзини тутиш маданияти, бадан ва кийим поклиги ҳақида тартибли кўрсатмалар, таълим-тарбия ишлари мутлақо йўлга қўйилмаган эди.

Ислон дини инсон ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солгани каби бу соҳаларини ҳам аста-секин тартибга тушириб, бу борада юксак маданиятни йўлга қўйди.

Машҳур саҳобийлардан Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ўз кўзлари билан кўрган бир ҳодисани ривоят қилмоқдалар.

«Ҳузуримизга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Сочлари тўзиб кетган пала-партиш бир одамни кўриб қолиб:

«Манави сочини сокин қиладиган нарса топса бўлмасмиди!?» дедилар».

Бир тўп кишилар турган жойга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келибдилар. Ана ўша жамоат ичида бир кишининг сочлари тартибсиз равишда тўзиб турар эди. Унга кўзлари тушиши билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Манави сочини сокин қиладиган нарса топса бўлмасмиди!?» дедилар».

У зотнинг «манави» дейишларининг ўзи мазкур шахсдан аччиқлари чиққанлигини кўрсатади. Сўнгра кўпчиликнинг олдида ундоқ муомала

қилишлари ҳам ҳаммага танбеҳ бўлиши учун шундоқ қилганларини кўрсатади. Бу нодир ҳолат эмас, балки кўпчилик билиб қўйиши лозим нарса эканлигидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундоқ муомала қилганлар. Акс ҳолда, кўпчилик ичида мулзам бўлмасин деб, ҳалиги одамнинг ёлғиз ўзига айтар эдилар.

«Бошқа бир кишининг кийимлари кир эканлигини кўриб қолиб: «Манави кийимини ювадиган нарса топса, бўлмасмиди!?» дедилар».

Демак, мусулмон инсон доимо ўз кийимларини озода тутмоғи лозим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам беҳудага бир одамга кўпчилик ичида бундоқ муомала қилмайдилар.

- Мусулмон инсон ўзининг ташқи кўриниши, хусусан, сочини тартибга солиб, ораста бўлиб юрмоғи лозим эканлиги.

- Мусулмон инсон кийимларини озода тутмоғи зарурлиги. Кир кийим билан жамоатчилик орасига кирмаслиги лозимлиги.

- Бошлиқ, раҳбар шахслар кишилар ичида кийиниш маданияти, ўзини тутиш маданияти борасидаги камчиликларни кўрса, тузатиб, билмаганларга ўргатиб бориши зарурлиги. «Мўмин ўз биродарининг ойнасидир», деб бекорга айтилмаган.

- Мусулмон киши оғзини фаҳш ва уятсиз сўзлардан тиймоғи лозим. Чунки Расулulloҳ с.а.в.: «**Аллоҳ фаҳшни ва сўкишни хуш кўрмайди**», деб айтганлар.

Манба: hadis.islom.uz

